Xalq deputatlari Romitan tumani Kengashi
Q A R O R I

2022 - yil 5 - dekabr VI-73-244-2-40-K/22 Romitan tuman hokimligi

Ромитан тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 8 апрелдаги КҚ-331-IVсонли қарорига асосан туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ йўналтириш бўйича таклифлар жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун “Eqaror” электрон тизимига жойлаштириш белгиланган.

Жамоатчилик ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг фикрларини инобатга олиб, шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича таклифларга асосан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ йўналтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 126-моддаларига асосан туман ҳокимлигининг Ромитан тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиб, халқ депутатлари туман Кенгаши.

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокими ўринбосарлари, тегишли бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар:

туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ва самарали ишлатилишини;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда штатлар жадваллари асосида ҳисоблаш ва ўз вақтида тўланишини;

бажариладиган ишларни тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаларисиз ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрлаган ҳолда бажарилишининг олди олинишини;

пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларни белгиланган тартибда тендер ўтказмасдан танлаб олишга йўл қўймаслик чоралари кўрилишини;

инфратузилма объектларида белгиланган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири в.в.б (У.Жумаев)га:

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг параметрларига тегишли ўзгартиришларни киритиш, белгиланган тартибда харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини рўйхатдан ўтказиш;

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан тизимли мониторинг юритиш ҳамда иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига тўлиқ қайтариш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси (О.Исматов) зиммасига юклансин.

Tuman hokimi **Barnoyev U. I.**

Xalq deputatlari Romitan tuman
Kengashining
2022 yil 5 dekabrdagi
VI-73-244-2-40-K/22-son qaroriga
1-ilova

Ромитан туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлар режасини ошириб бажарилган қисмидаги маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлари тўғрисидаги таклифлари

млн.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1.	“Очиқ бюджет” ахборот порталига жамоатчилик фикрини ва таклифлари асосан маблағларни ўтқазиш	923,1
2.	“Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига	461,6
3.	“Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига	461,6
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 октябрдаги ПФ-6324-сон Фармонига асосан МФЙ Рағбатлантириш жамғармасига (3%)	92,3
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сонли Фармонига асосан Дарахт зараркунанда қарши кураш жамғармасига	61,5
6.	Туман хокимлигининг ишчи-ходимлар ҳар ойлик устама тўлаш учун	254,5
7.	Туман Халқ қабулхонаси техник ва кичик хизмат кўрсатувчи ходимлари ҳар ойлик устама тўлаш учун	35,4
8.	Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти ходимлари ҳар ойлик устама тўлаш учун	21,8
9.	Оила ва хотин-қизлар бўлими ходимлари ҳар ойлик устама тўлаш учун	18,2
10.	Ижтимоий куникма марказ ходимлари ҳар ойлик устама тўлаш учун	6,1
11.	Туман хокимлиги молия бўлими ходимлари ҳар ойлик устама тўлаш учун	125,8
12.	Туман ҳокимлигига туризм хизмати ходими учун бир штат бирлиги шартнома аосида унинг октябр-декабр ойлари иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови учун	12,0
13.	Халқ таълим бўлимига қарашли умумтаълим мактабиларининг комунал тўлов қарздорлигини қоплаш учун	50,0
14.	Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 31 йиллиги муносабати билан туман марказий ўйингоҳида ўтказилган байрамда ҳамда Азизон маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил қилинган “Анор, Анжир ва Узум” фестивалига безаш ишларидан вужудга келган қарздорликни қоплаш учун	37,0
15.	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган фуқароларга такрорий жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида жазо муддатини ўтаб қайтган муқаддам судланганларни иш билан таьминлашга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31июлдаги 318-Ф–сонли фармойишига асосан тегишли тартибда моддий ёрдам кўрсатиш учун	8,5
16.	Туманда ўтказилган байрамларда олинган совғалардан вужудга келган қарздорликни қоплаш учун	61,0
17.	Яшил макон дастури бўйича тумандаги кўча гулзорларига манзарали дарахт кўчатлари харид қилиш учун	80,0
18.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 октябрдаги 172-сонли буйриғига асосан туманимиздан таълим олаётган Солиева Камола Исомиддиновнанинг тўлов шартномаси ҳамда тиббиёт бирлашма тизимидаги даволаш-профлатика муассаларини тажрибали мутахассисига эҳтиёж борлигини инобатга олиб Ашуров Жасурбекнинг тулов контраклари учун	21.7

19.	Ҳар бир тумандан 5 нафаргача маданият ва санъат соҳасида олий таълимгоҳларга қабул қилиш ҳамда уларнинг тўлов шартнома маблағлари маҳаллий бюджетдан қопланиши инобатга олиб туманимиздан таълим олаётган 4 нафар талабанинг тўлов шартномаси учун	34.4
20.	**Кредитор қарздорликларни қисман қоплашга, жами:**	**309,6**
	Шу жумладан:	
-	Туман ҳокимлигининг кредитор қарздорликларини қоплашга	309,6
	ЖАМИ	**3076,1**